

ҒАЛЛАЧИЛИКДА БОЗОР МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ЭРКИН РАҚОБАТ ГАРОВИ

Оман Хушмурадов

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти
“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси доценти, и.ф.н.

Аннотация

мақола Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган даврдан ҳозирги кунгача ғалла етиштиришдаги ислохотлар мазмуни ёритилган. Шунингдек, Қашқадарё вилояти туманларида етиштирилган ғалла, унинг ҳосилдорлиги, экин экилган майдон, давлатга сотиш ҳажми ва вақтинча сақлашга топширилган ғалла миқдорлари ҳақида таҳлилий маълумотлар келтирилган. Кластерлар ва фермер хўжаликлари алоқаларини мустаҳкамлаш ҳамда ғаллачиликни ривожлантириш бўйича таклифлар берилган.

Калит сўзлар: ғалла, кластер, кўшимча қиймат, дон, суғориладиган ер, ҳосилдорлик, қишлоқ хўжалиги, рақобат.

Кириш

Республикада мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ давлатимиз мамлакатда ғалла мустақиллигига эришиш мутлақо кечиктириб бўлмайдиган долзарб сиёсат эканлигига алоҳида эътибор қаратганлиги ўзининг тарихий аҳамияти билан муносиб из қолдирди.

Дарҳақиқат таъкидлаш жоизки 1991 йил Ўзбекистоннинг мустақиллиги эълон қилинган пайтда мамлакатда жуда оз миқдордаги дон захираси борлиги мамлакатнинг биринчи президенти И.Каримов кўпгина чиқишларида алоҳида эътироф этган эди.

Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбарияти мамлакатда ғалла мустақиллигига эришиш кечиктириб бўлмайдиган долзарб масала эканлигига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, аҳолига ғалла томорқаси учун катта миқдордаги суғориладиган ер майдонларини ёрдамчи хўжалик сифатида ажратиб берди.

Ушбу тадбир асосида ғаллачиликда иқтисодий ислохотларни кенг қамров билан бошлаб юбориш ишлари жадал олиб борилди ва ушбу тарихий тадбирнинг давоми сифатида республика қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш кечиктириб бўлмайдиган масалалардан эканлигини эътироф этган ҳолда асосан пахта монополиясини кўзда тутган асосий суғориладиган ер майдонларидаги деҳқончилик тажрибасидан дон экиладиган майдонларни кенгайтириш давлат сиёсатига айлантирилди ва шу йилнинг ўзидаёқ мамлакатда катта миқдордаги суғориладиган ер майдонларида бошоқли дон экилди.

Асосий қисм

Республика қишлоқ хўжалигида ислохотларни янада чуқурлаштириш мақсадида давлат хўжаликлари ва жамоа хўжаликлари узул-кесил тугатиб уларнинг ўрнига ширкат хўжаликлари, фермер хўжаликлари ва деҳқон хўжалиklarини ташкил этиш бўйича бир қатор қарорлар қабул қилинди.

Орадан кўп ўтмасдан ширкат хўжаликлари ҳам тугатилди ва уларнинг ўрнига пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари тузилди, ихтиёрига 50 йилгача бўлган муддатга суғориладиган ер майдонлари шартнома асосида берилди, бундан ташқари мустақил деҳқон хўжаликлари ҳам тузилди. Шундай қилиб ислохотлар жадал ривожлантирилди, суғориладиган ер майдонларидан юқори ҳосил олиш, ерларнинг унумдорлигини ошириш, ирригация тизимларини ва ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масалаларида бир қатор ижобий ишлар қилинди.

Республикада қисқа муддат ичида “Фермер хўжаликлари тўғрисида” ва “Деҳқон хўжаликлари тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди, бу қонунларда фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳуқуқий мақомлари белгилаб берилди, уларнинг бажарадиган вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари батафсил ўз аксини топди.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганлиги натижаси ўлароқ халқ хўжалигининг барча соҳаларидаги сингари мамлакат иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири бўлган қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантиришга қаратилган ислохотлар изчил амалга оширилди.

Хусусан қисқа муддат ичида пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари ер, сув ва моддий-техника ресурсларидан самарали фойдаланиш, замонавий ресурс тежайдиган технологияларни жадал жорий этиш, натижада суғориладиган ер майдонларидан юқори ҳосил олиш ҳамда фойдаланилаётган ер майдонларининг балл бонитетини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш ҳамда сувдан фойдаланишнинг тежамкор технологияларини кенг қўллаш каби имкониятларни очиб берди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 сентябрдаги 806-сон “Бошоқли дон етиштиришда кластер тизимини босқичма-босқич жорий этиш орқали юқори ҳосилдорликни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги”ги Қарори билан “... жорий йилда бошоқли дон етиштиришда гектаридан ўртача 60 центнердан ҳосил олиниб, ялпи ишлаб чиқариш ҳажми 7 млн. тоннадан ортиқни ташкил этди, ҳамда давлатга 3 млн. 552 минг тонна дон етиштирилиб бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 140 фоизга ошди”,-деб таъкидланди.

Албатта бу кўрсаткич яхши натижа эканлигига шак-шубҳа бўлмасда ривожланган бозор муносабатлари шароитида хориж тажрибалари ва ютуқлари ҳисобга олинганда қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш орқали бошоқли дон экинларидан янада юқори ҳосил олиш, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик тармоқларининг озуқага бўлган талабини етарли даражада қондириш, дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ҳамда дон ва нон маҳсулотлари етиштирувчиларнинг иқтисодий манфаатдорлигини янада ошириш муаммолигича қолаётганлиги бу соҳада чуқур ислохотлар қилинишини кун тартибига қўйди. Шунинг билан биргаликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда хўжаликни эркин бошқариш услубининг ишчан дастагининг йўқлиги ва бозор механизмларининг мавжуд эмаслиги ҳам тармоқнинг рақобатбардошлигини ошириш имкониятини бермади.

Шунга ўхшаш стратегик масалаларни ҳал қилиш, ғалла етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон Фармони ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларни давом эттириб қисқа муддатда давлат буюртмаси асосида бошоқли дон етиштириш амалиётини бекор қилиш, донни харид қилиш ва сотишда бозор тамойилларини кенг жорий этиш, қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини кўтариш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва товар ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатдорлигини таъминлашга қаратилган изчил агробизнес муҳитини яратиш кун тартибига қўйилди.

Республика ғаллачилигида ислохотларни жадал ривожлантириш, ғалла ишлаб чиқарувчи фермерларнинг ва бошқа корхоналарнинг ҳамда ғалла кластерларининг биржа савдоларида ёки тўғридан-тўғри шартномалар асосида ғалла етиштиришлари ва эркин нархларда сотилишини таъминлашга шарт-шароит яратишни йўлга қўйиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6-мартдаги “Ғалла етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4634-сон Қарори билан 2020 йил ҳосилидан бошлаб давлат буюртмаси асосида бошоқли дон етиштириш амалиёти босқима-босқич бекор қилиниши ва томонидан ғаллага харид нархини белгилаш амалиётидан тўлиқ воз кечиш ҳамда давлат хариди тўлиқ бекор қилиниши белгилаб қўйилди.

Президентнинг ғаллачиликда ислохотларни янада чуқурлаштириш, ғалла ишлаб чиқаришида замонавий инновацион технологиялардан кенг фойдаланиш, хорижий тажрибалардан самарали фойдаланган ҳолда энг илғор суғориш технологиялари – томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш тажрибасини тезкор қўллашга ўтиш, шунинг ҳисобига сув танқислигига барҳам беришни ҳал қилиш, албатта ушбу ва шунга ўхшаш глобал ислохотларни жадал ривожлантиришга узил-кесил ўтиш орқали ғаллачилик кластерлари фаолиятини кенг қўламда йўлга қўйиш пировард натижада бошоқли дон етиштириш ёки уни шартнома асосида сотиб олиш, сақлаш, саралаш, қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, ички ва ташқи бозорга етказиб беришни таъминлашга эришиш муҳим стратегик вазифа қилиб белгиланди.

Ушбу улкан вазифаларни самарали ва тезкор бажариш учун қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасининг рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган ислохотларни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш, ички бозорда нархлар барқарорлигига эришиш, доннинг керакли бўлган ҳажмидан ташқари давлат харидларидан тўлиқ воз кечиш ҳисобига ташқи бозорда инвестициявий жозибадорликни ошириш, ғалла донларини биржа савдоларида чекловларсиз сотишга шароит яратиш кун тартибига қўйилди.

Ушбу мақсадда фермер хўжаликлари ғалла кластерлари, ғаллачилик кооперациялари, ғалла элита уруғчилиги хўжаликлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан суғориладиган майдонларда ер-сув шароитларидан келиб чиққан ҳолда ички бозорни ғалла дони билан кафолатли таъминлаш мақсадида республиканинг барча ҳудудларида 2022 йилдан бошлаб экишга тавсия этилган буғдой навларини мустақил жойлаштириш, ғалла етиштириш харажатларини қоплаш учун имтиёзли кредитларни жамғарма ажратадиган кредит ресурслари ҳисобидан ғалла етиштирувчи фермер хўжаликлари, элита уруғчилик хўжаликлари, ғаллачилик кластерларига ажратиш, юқорида зикр этилган субъектларга кредит ресурсларидан эркин фойдаланиш, ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, ўсимликларни химоя қилиш

воситалари ва қишлоқ хўжалиги техникаларини тўғридан-тўғри харид қилиш ҳуқуқини берди.

Вилоят туманлари бўйича охириги йилларда етиштирилган ва давлатга сотилган бошоқли дон ҳажми кўрсаткичлари, қуйида келтирилди (1-жадвал).

**Қашқадарё вилояти туманларида 2020-2022 йилларда экилган бошоқли дон экинлари майдони,
ҳосилдорлиги ва ялли ҳосили тўғрисида маълумот**

Т/р	Туманлар номи	Барча тоифадаги ерларда									
		Ғалла, га		Ҳосилдорлик, ц/га		Ялли ҳосил, (т)		Давлатга сотиш, (т)		Вақтинча сақлашга, (т)	
		2020	2022	2020	2022	2020	2022	2020	2022	2020	2022
1	Ғузур	12650	9634	38,2	63,5	48284	61181	25386	18509	22898	1474
2	Дехқонобод	7000		14,8		10330		2050		8280	
3	Қарши	14000	15092	54,0	68,8	75590	103849	43403	38013	32187	9025
4	Косон	18000	19269	52,7	66,8	94873	128652	60255	47890	34618	9837
5	Қамаши	18200	11387	36,2	69,2	65839	78812	38058	30014	27781	8803
6	Китоб	6500	2500	31,2	74,9	20276	18715	13496	6730	6780	1693
7	Миришқор	22250	22958	50,0	62,1	111305	142649	59913	51556	51392	6378
8	Муборак	9250	10271	48,7	60,4	45017	62010	26989	24706	18028	5459
9	Нишон	18500	20370	49,2	64,2	91043	130834	47221	46651	43822	9071
10	Касби	14200	15139	56,3	64,7	79961	98018	48408	37980	31553	8091
11	Чироқчи	42600	6289	19,7	63,7	84120	40058	40957	13477	43163	2886
12	Кўкдала		4311		64,1		27627		8782		1302
13	Шахрисабз	8850	7630	40,5	73,1	35812	55773	23740	20068	12072	4736
14	Яккабоғ	12000	9750	41,9	74,4	50235	72562	31194	27061	19041	6818
	Жами	204000	154600	39,6	66,0	808620	1020740	461070	371437	351615	75572

Албатта мана шу ислохотларни чуқурлаштиришга йўналтирилган механизмларнинг кенг кўламда ишлаб кетиши, жойларда белгиланган вазифаларнинг тўғри эканлигини ғалла етиштирувчи барча субъектлар эътироф этаётганлиги мамлакатнинг барча ҳудудларида дон ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин ошганлигида ўз аксини топмоқда. Биргина Қашқадарё вилоятида дон ишлаб чиқариш ва сотиш даражаси кўрсаткичлари фикримизнинг яққол далилидир.

Вилоятда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти 2021 йилда 29233,0 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 33385,0 млрд. сўмни ташкил қилди, ёхуд ўсиш 103,7 фоизга таъминланди, аҳоли жон бошига макроиктисодий кўрсаткичлар мос ҳолда 8,7 млн. сўмдан 9,7 млн. сўмни ташкил этиб 101,5 фоиз ўсишга эришилди.

Демак 2022 йилда ғалла майдони вилоятда 50 минг гектарга камайган бўлсада (чуқур ислохотлар жараёни давом эттирилаётганлиги муносабати билан суғориладиган майдонларнинг бир қисми хонадонларга, оилаларга фойдаланишга берилган), аммо ҳосилдорликнинг 66 центнерга етказилиши ҳисобига жами 1020,7 минг тонна дон ишлаб чиқарилди, бу 2020 йилга нисбатан 212,1 минг тоннага кўпдир. Давлатга дон сотиш мос ҳолда 2020 йилда 461,1 минг тоннани ва 2022 йилда 371,4 минг тоннани ташкил этди, донга харид нархидан воз кечилганлиги муносабати билан давлат харидидан ташқари вақтинча сақлашга 75,6 минг тонна ғалла омборларга қабул қилинди, шунингдек фермер хўжаликларининг ўзида 649,3 минг тонна дон қолди, бу 2020 йилга нисбатан 297,7 минг тоннага кўп, бу деган сўз кейинги йилларда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва аҳолининг ихтиёрига ер майдонларини фойдаланишга бериш бўйича олиб борилаётган узокни кўзланган оқилона сиёсатнинг натижаси ўлароқ одамларнинг қониқиш ҳосил қилиб яшашларига шарт-шароит яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 ноябрдаги ПҚ-10-сон “Ғалла етиштириш ва сотишда эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойилларини жорий этиш тўғрисида”ги қарорига кўра вилоятда ғалла етиштириш ва сотишда инвестициявий жозибдорликни оширишга қаратилган механизмнинг яратилиши билан 28 та ғаллачилик кластерлари ташкил этилди 2022 йилда барча фермер хўжаликлари етиштирадиган бошоқли доннинг шартномалари кластерлар билан тузилди ва харажатлари ҳам жамғарма ва ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилди.

Хулоса ва таклифлар

Бугунги кунда фермер хўжалилари етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун қўшимча қиймат солиғини тўламоқдалар. Ушбу масалани чуқурроқ таҳлил этиладиган бўлса фермер хўжаликлари асосан пахта ва ғалла етиштириб кластерларга сотмоқда, бунда улар ушбу хом-ашёни ердан жисмоний меҳнат қилиб етиштирилмоқда, шунингдек унга уруғлар, минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материаллари, захарли химикатлар ва бошқа саноат маҳсулотларини сарфламоқдалар, бу маҳсулотларнинг барчаси ишлаб чиқарилаётган вақтида қўшимча қиймат солиғи тўланган, ёхуд уларнинг сотиш қийматида қўшимча қиймат солиғи бир марта ўз аксини топган, шундай экан, фермер хўжаликлари етиштираётган хом-ашё қийматига қўшимча қиймат солиғини киритиш мақсадга мақсадга мувофиқ эмас, аммо кластерлар хом-ашёни қайта ишлашлари ҳисобга олинганда уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотига қўшимча қиймат солиғини киритиш тўғри бўлади деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжаликлари тўғрисида”ги Қонуни. 2004 йил 26 август, 662-II-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Дехқон хўжаликлари тўғрисида”ги Қонуни. 01.04.2021 йилдаги ЎРҚ-680-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6-мартдаги “Ғалла етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4634-сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 ноябрдаги “Ғалла етиштириш ва сотишда эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойилларини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-10-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 сентябрдаги “Бошоқли дон етиштиришда кластер тизимини босқичма-босқич жорий этиш орқали юқори ҳосилдорликни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги”ги 806-сонли Қарори.
7. Хуррамов Азамат Файзуллаевич, Аралов Худоёр Мусақулович, & Маматов Мамажан Ахматжанович (2022). МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТАРМОҚ ТАРКИБИНИ ТАКОМИЛЛАШУВИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ТАЪСИРИ. Экономика и финансы (Узбекистан), (7 (155)), 2-10. doi: 10.34920/EIF/VOL_2022_ISSUE_7_1
8. Atajanovich Mamatov, A., Fayzullaevich Khurramov, A., Ahmadjonovich Mamatov, M., Davlatkulovich Anarkulov, A., & Khazratkulovich Khasanov, S. (2021, December). Integral Improvement of Economic Safety of the Regions. In *The 5th International Conference on Future Networks & Distributed Systems* (pp. 728-732).
9. Murodov, J. (2020). Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасида олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохатлар кўлами. *Архив научных исследований*, (29).
10. Утанов Б., Маматкулов Б., Ахмедова М., Муродов Дж. и Абдикулова Д. (2021). Взаимосвязь взаимодействия сельскохозяйственного производства с объемом дехканского производства в Узбекистане. *Илкогретим Онлайн*, 20 (3).
11. TUYGUNOVICH, A. A., OGLI, S. O. A., & QIZI, K. Z. K. Problems of Improving Stock Market Trading Mechanisms in Uzbekistan. *JournalNX*, 6(07), 330-334.
12. Alikulov, A. T., Qudratova, M. P., & Xushvaqov, I. M. (2021). Analysis of the Activities of Securities of Commercial Banks at the RSE “Tashkent”. *Middle European Scientific Bulletin*, 18, 327-332.
13. Alisherovich, T. S., & Iskandarovich, R. R. (2021). Prospects for Household Entrepreneurship Development. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 79-84.
14. Iskandarovich, R. R. (2022). QISHLOQ XO ‘JALIGIDA AGROKLASTERLARINI BARPO ETISHNING XORIJ TAJRIBALARI. *Gospodarka i Innowacje*., 24, 390-394.
15. Djalilov, R. H. (2021). The role of the cameral tax audit in the tax control of the republic of uzbekistan.

16. ДЖАЛИЛОВ, Р. РОЛЬ ИСТОЧНИКОВ ИНФОРМАЦИИ В СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ НАЛОГОВОГО КОНТРОЛЯ В УСЛОВИЯХ ПАНДЕМИИ. *ECONOMICS*, (3), 42-46.
17. Alisherovich, T. S. (2022). ECONOMIC CONTENT OF HOUSEHOLDS. *Gospodarka i Innowacje*, 150-155.
18. Alisherovich, T. S., & Isoqovna, A. G. (2022). Organizing Fundamentals of Digital Audit in the International Practice. *Miasto Przyszłości*, 24, 424-426.
19. Бердиев, А. Х. (2020). Использование инноваций в сельском хозяйстве является главным фактором эффективности. *Вестник науки и образования*, (3-2 (81)), 9-14.
20. Бердиев, А. Х., & Расулов, Х. К. (2020). Туризм-перспективный сектор экономики Узбекистана. *Economics*, (2 (45)), 14-18.
21. A.J. Musagaliev, & B.T. Shodiev. (2022). Methodological Issues of Location and Effective Use of Wells in Pastures in Uzbekistan . *Partners Universal International Research Journal*, 1(1), 1–5. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6387977>
22. Musagaliev, A. J., & Shodiev, B. T. (2023). Issues of Efficient Usage of Pastures in the Development of the Cattle Farming Network. *UTTAR PRADESH JOURNAL OF ZOOLOGY*, 44(1), 81-87. <https://doi.org/10.56557/upjz/2023/v44i13394>
23. Farmanov, J. Z., Rimboyeva, N., & Qaxramonov, F. (2022). MAMLAKATIMIZDA AGRAR SIYOSATNI AMALGA OSHIRISHNING ASOSIY YO'NALISHLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(3), 1191-1197.
24. Farmanov, J., & Ogabek, S. (2021). The encourages of increasing agriculture economy by the government. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 2477-2479.
25. NORMAMATOVICH, K. O., EGAMBERDIYEVNA, A. K., & HAKIMOVICH, B. K. Creating a Favorable Environment for Attracting Foreign Investment and Strengthening Its Legal Framework. *JournalNX*, 6(05), 53-56.
26. Khakimovich, B. K. . (2022). Development of Private Capital Financial Statement Audit Methodology in Accordance with International Standards. *European Multidisciplinary Journal of Modern Science*, 4, 299–303.
27. Бутунов, Ш. Б. (2021). THE IMPACT OF MACROECONOMIC AND BANKING FACTORS ON THE LEVEL OF NON-PERFORMING LOANS: RESULTS FOR THE CIS COUNTRIES. *Economics*, (3 (50)), 33-42.
28. БУТУНОВ, Ш. ВЛИЯНИЕ МАКРОЭКОНОМИЧЕСКИХ И БАНКОВСКИХ ФАКТОРОВ НА УРОВЕНЬ НЕДЕЙСТВУЮЩИХ КРЕДИТОВ: РЕЗУЛЬТАТЫ ПО СТРАНАМ СНГ. *ECONOMICS*, (3), 33-42.
29. Muzaffarova, K., & Abdukarimov, K. (2022). FACTORS INFLUENCING THE FORMATION OF THE INVESTMENT ENVIRONMENT IN THE REGIONS. *Eurasian Journal of Social Sciences, Philosophy and Culture*, 2(5), 278-28
30. Музаффарова, К. З. (2022, December). ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ИҚТИСОДИЁТИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАЛБ ЭТИШ ОМИЛЛАРИ. IN *INTERNATIONAL CONFERENCES* (Vol. 1, No. 18, pp. 131-134).
31. Эгамбердиевна, А. Ҳ. (2021). ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШДА ҲУҚУҚИЙ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ. *Журнал Инновации в Экономике*, 4(5).

32. Azimova, N. (2019). RISING THE INCOME OF POPULATION–THE GUARANTY OF LIVING STANDARD. *International Finance and Accounting*, 2019(3), 7.
33. Равшанов А. Д. Абдисалом Дусиёрович, Хасанов Шамсиддин Хафизович, & Алимханова Нигора Алимхановна (2018). Қишлоқ хўжалигини инвестицион-инновацион ривожлантириш имкониятлари ва истиқболлари. *Экономика и финансы (Узбекистан)*, (11), 9-14.
34. Murodova, N. U., Temirova, F. S., Alimkhanova, N. A., Dostova, M. K., & Azimova, K. E. IMPROVING THE CALCULATION OF INVENTORIES OF GOODS IN ACCOUNTING.
35. Жумаева, Г. Ж., Хасанова, Ю. М., & Рузиев, З. И. СВОБОДНЫЕ ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ЗОНЫ И ИХ РОЛЬ В РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА.
36. Жумаева, Г. Ж. (2020). ИСТОРИЯ РАЗВИТИЯ ХОЗЯЙСТВЕННОГО УЧЕТА И АНАЛИЗА. *Экономика и социум*, (3 (70)), 283-286.
37. Эгамбердиева, С. Р. (2021). ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ЛОЙИҲАЛАРНИ АСОСЛАШДА ИННОВАЦИОН ҲИСОБ ТИЗИМИНИНГ АҲАМИЯТИ. *Журнал Инновации в Экономике*, 4(5).
38. Egamberdiyeva, S. R., Qodirov, F. I., & Shopiyev, R. R. (2022). BUXGALTERIYA HISOBINING MILLIY STANDARTLARINI MHXS GA UYG ‘UNLASHTIRISH ASOSIDA TAKOMILLASHTIRISH. *Gospodarka i Innowacje.*, 24, 353-358.
39. Аминов Ф.Б. (2023). ЖИЗНЕННЫЙ УРОВЕНЬ НАСЕЛЕНИЯ ПО РЕГИОНАМ УЗБЕКИСТАНА. *Экономика и социум*, (2 (105)), 434-443.
40. Аминов, Ф. Б. (2022). РОЛЬ ФИНАНСОВЫХ РЕСУРСОВ В ИННОВАЦИОННОМ РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ. *Economics*, (1 (51)), 26-29.